

Фитна | Ҳадис дарслари (270-дарс)

Ҳадис
ДАРСЛАРИ

270-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳадис ва ҳаёт» туркум китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.



19:00 / 22 февраль 1481

هُنَعُ هَلْ لَّا يَضَرَّ فَيَدْحُ نَعُ
هُيَلَعُ هَلْ لَّا يَصِّبُّ نَلَّا نَعُ
لُجَّرَلَا ءَنَتِ فِ: لَاقَ مَلَسَو
هِرَاجَوِ هِدَلَوَوِ هِلَامَوِ هِلْهَأُ يِف
مُؤْصَلَاوُ ءَالَّصَلَا هُرَّفَكُتُ
هُأَوْرُ. يِهْنَلَاوُ رُمَّالَاوُ ءَقَدَّصَلَاوُ
يِذِمَّرْتَلَاوُ نَاخِيَّشَلَا

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кишининг аҳлидаги, молидаги, боласидаги ва қўшнисидаги фитнасини намоз, рўза, садақа, амр ва наҳий ўчиради», дедилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Фитна» сўзи «синов» маъносини англатади. Арабларда маъданни ўтга солиб, синаб кўриш ҳам «фитна» дейилади.

Маънавий соҳада эса инсоннинг иймон-эътиқоди, шариатга амал қилиши, унинг инсоний фазилатлари учун синов бўладиган нарсалар фитна дейилади. Шу маънода инсон учун унинг аҳли аёли ҳам фитна бўлиши мумкин. Баъзи кишиларнинг аҳли аёлига қизиқиб, уларни рози қиламан, деб, турли хатоларга йўл қўйишлари сир эмас.

Шу билан бирга, молу дунё тўплаш, уни сақлаш, жой-жойига сарфлаш ҳам маълум маънода фитнадир. Инсон мол-дунё ва унга тааллуқли ишлар билан машғул бўлиб кетиб, баъзи камчиликларга йўл қўйиши мумкин.

Бола-чақа ҳам инсон учун фитнадир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

«...Молларингиз ва фарзандларингиз фитнадан ўзга нарса эмас», деган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилиб турганларида масжидга кириб келган жажжи набиралари йиқилиб тушганини кўриб, югуриб бориб уни кўтариб олганлар ва юқоридаги оятни ўқиганлар. Демак, бола-чақа деб ҳам баъзи камчиликлар содир бўлиши мумкин. Бу болаларнинг фитнасидир.

Қўшнилари билан бўладиган муносабатларда ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар содир бўлса, буни қўшнининг фитнаси дейилади.

Мазкур хатоларга йўл қўйганда уларни ювиш учун Аллоҳ таоло мусулмонларга тўрт нарсани: намозни, рўзани, садақани ҳамда амри маъруф ва наҳийи мункарни бергандир.

Мусулмон бу тўрт ибодатни ўз вақтида адо этиб турса, аҳли аёли, моли, боласи ва қўшнисидан иборат тўрт нарсанинг фитнаси туфайли содир бўлган хатолари ювилиб турар экан. Ана шу фитналар туфайли содир этиладиган хатоларнинг каффороти учун бажариладиган амалларнинг бошида намознинг туриши бу ибодатнинг нақадар зарур ибодат эканлигини кўрсатмоқда.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.